

МУНДАРИЖА:

Назаров Қ.	“Яшил макон” ғояси ва ёшлар маънавиятининг ижтимоий-фалсафий масалалари	3
Наврўзова Г.Н.	Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг борлиққа оид қарашлари	5
Азимов Ҳ.И.	Буюк мутафаккирларнинг мангуликка дахлдор илмий мероси	13
Мухамеджанова Л.А.	Milliy axloq, globallashuv va madaniyatlararo muloqot	17
Рўзиев Р.Дж.	Номланмаган шартномалар мазмун-моҳияти хусусида мулоҳазалар	22
Махкамов У.А.	Иждокор шахс тафаккури ва билим олиш жараёнида диалогнинг гносеологик ўрни	26
Эгамбердиева А.М.	Глобаллашув шароитида алтруистик ёндашувларнинг трансформацияси	31
Мухтаров У.М.	Jamiyatda ishsizlikni oldini olishga falsafiy yondashuv	36
Орипов М.З.	Вакиллик институтининг назарий асослари ва ҳуқуқий табиати	40
Nadirova Z.P.	Defolt tizim yangi intuitiv metodologik yondashuv sifatida	44
Нишонбоева Г.	Маданий тарбия самарасини ошириш имкониятлари	48
Abduazimov X.	O‘zbekistonda raqamlashtirish bosqichlari va gender siyosatining evolyusiyasi: tarixiy-falsafiy yondashuv	52
Karimov A.L.	Ibn Sino me’rosining falsafiy jihatlari	57
Jabborova A.G’.	Kino san’atining kognitiv funksiyasi va ijtimoiy -falsafiy tahlili	61
Tulepova Z.U.	Qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishga oid munosabatlarni shartnomaviy tartibga solishning o‘ziga xos xususiyatlari	64
Абдикадилова Н.С.	Инсон салоҳиятини баҳолашнинг методик ва методологик ёндошувлари	68
Джураев А.А.,	Историко-философский анализ джадидизма и его влияние на модернизацию мусульманского общества	73
Зокиров Ш.М.		
Каланов К.	Битирувчи синф ўқувчиларининг истиқбол ҳаёт режаларини белгилашда ижтимоий рақобатнинг ўрни	77
Adilov B.B.	Tasavvuf ta’limotining metodologik asoslari: Najmiddin Komilov tadqiqotlari tahlili	82
Аманов Г’А.	Yangi ma’naviy makon tushunchasi va unda ma’naviy - axloqiy masalalarning dolzabligi	86
Ганибаева Ш.К.	Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишини	91

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ БОРЛИҚҚА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Наврўзова Г.Н. -
БухДУ профессори,
фалсафа фанлари доктори

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш каби улуғ мақсадни олдимизга қўйганмиз. Бу муқаддас мақсадни амалга оширишда баркамол авлодни кучли фалсафий тафаккур руҳида тарбияламоқ долзарб масаладир. Бу вазифани амалга ошириш учун барча ижтимоий фанларни, хусусан фалсафани давр талаби асосида таълим беришга алоҳида эътибор бериш зарур. Фалсафа фанининг таркибий қисми онтологиядир. Онтология борлиқ ҳақидаги таълимотдир.

Борлиқ масаласи қадимги даврдан ҳозирги кунгача барча файласуфларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган. Ўзбек файласуфларидан бири фалсафа фанлари доктори, профессор Б.О. Тўрев борлиқ тушунчасини махсус ўрганиб монография нашр этдилар [9]. Борлиқ ҳақидаги ғоялари Б.О. Тўраев танланган асарларининг биринчи жилдига киритилган [10]. Мустақиллик даврида фалсафа тарихига муносабат тубдан ўзгарди. Тасаввуфий манбалардаги маълумотлар илмий муомалага киритила бошланди. Борлиққа оид манбалардан бири Юсуф Ҳамадонийнинг (1048-1141) “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги” рисолаидир. Асарда борлиқнинг нима учун яратилганлиги, инсоннинг унга муносабати, борлиқнинг шакллари ва инсон ва борлиқ муносабатларининг асосий қирралари ёритилган.

Юсуф Ҳамадоний ҳақида тадқиқотлар олиб борилган [2;6-8]. Унинг асарлари борлиги аниқланиб, таржима этилган [11-14]. Юсуф Ҳамадоний рисолаидан бири “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” деб номланган [13]. Бу асар араб тилида ёзилган бўлиб “Рисола фи ан-нал-кавна мусаххарун лил инсон” номи билан маълум. Таржимонлар Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан дастлабки таржима этган нусхаларида асарни номини “Инсон ва коинот ҳақида рисола” деб ёзганлар [11]. Кейинги 2018 йилда қайта тўлдириб нашр этилган асарларида эса “Коинот ва инсон ҳақида рисола” деб номлаганлар [14]. Биз манбани араб тилидаги таржимасига асосланиб, бу асарга “Борлиқни инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисола деб номланишини мақбул кўрдик. Чунки бу асар ҳажман кичик бўлсада борлиқнинг барча кўринишлари ҳақида маълумот беради. Асарни фақатгина коинот ва инсоннинг муносабати деб номлаш тор маънони англатади. Нега бу асарда коинот деб бўлмайди? Агар фақат коинот, яъни осмон фазоси юлдузлар, галактикалар назарда тутилган бўлса, “инсонга бўйсундирилган” деган ибора тор маъноли бўлиб қолади. Аммо бу ерда гап барча мавжудотлар – табиат, ҳаёт, макон ва замон ҳам инсон учун яратилганлиги ҳақида бораётгани учун “борлиқ” сўзи тўғрироқдир. Рисоладаги арабча матндаги кавн сўзи “кана”, яъни “бўлмоқ” феълидан ясалган бўлиб, ўзбек тилига айнан “борлиқ” бўлади.

Юсуф Ҳамадоний бу асарида инсон бутун мавжудотлар ичида энг улуғ, азиз ва муқаррам зот эканлигига урғу бериб, борлиқдаги неъматлар инсон учун яралганлигига эътиборни қаратади. Аллома рисолаининг бошида Қуръони Каримнинг “Жосия” сурасини шарҳлаш асосида бутун борлиқ инсон учун яралганлиги ва унинг тасарруфига берилганлигини таъкидлайди. Муаллиф инсонга берилган бу неъматлардан меъёрида фойдаланиш зарурлигига урғу беради.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласида инсоннинг бахтли, соғлом, фаровон яшаши учун ўз меъёрини билиши ва бутун борлиқ билан уйғун ҳаракатда бўлиши лозим, деган бунёдкор ғояни илгари сурган. Алломанинг фикрича, инсоннинг камолотга эришувида борлиқ билан инсон ўртасидаги муносабат меъёрда бўлиши жуда муҳим.

Имом, улуғ олим, ҳикматли устоз Абу Яъқуб Юсуф ибн Исҳоқ ўз рисоласида борлиқдаги ҳар бир нарса бошқасига боғлиқдир, ҳаммаси ягона бир бутуннинг қисмидир

деган ғояни илгари суради. Рисолада инсонни бутун борлиқнинг маркази сифатида яратилганлиги таъкидланган. Инсонга ақл ато этилган. У шундан фойдаланиб тафаккур қилади. Чунки инсон Одам фарзандидир. Одам эса мукаррам қилинган зот эди. Оллоҳ фаришталарни унга сажда қилдирди.

Рисолада таъкидланишича, инсон илм билан икром этилган ва илоҳий амонат юклатилган улуғ зотдир. Шунинг учун инсон бутун борлиқ учун масъулдир ва ундан сўралади. Инсон ҳақ ва ботил ўртасида танлов қилувчидир. У икки йўл соҳиби — нур йўли ва зулмат йўли. Шунинг учун инсонга танлаш имкони берилган. Эй мулк соҳиби, бўлган инсон, деб ёзади Юсуф Ҳамадоний, агар бойлигинг ва мартабанг билан фахрлансанг, билгинки, сенинг мулкинг вақтинча, ҳукмронлигинг ўтиб кетувчидир. Ҳақиқий мулк эса Сенга ҳаёт ва ўлимни берган Зотникидир. У Зот сени тупроқдан яратди ва сени унга қайтаради. У Зот сенга борлиқнинг бошқарувини амонат қилди. Шу сабабли, сендаги бу мулк синаш учунгина берилганини билиб ол.

Бу дунё, Юсуф Ҳамадоний фикрича, инсонни бошидан ғафлатга солди, чалғитди. Инсон фано бўладиган нарсаларга амал қилиб, боқий бўлган нарсалардан юз ўгирди. У хаёлга ёпишди, ҳақиқатни эса тарк этди. Лекин ақлли инсонлар — кейинги ҳаёт учун тайёргарлик кўрадиганлардир, ҳақиқий учрашув учун ўзини зийнатлайдиганлардир. Чунки ҳақиқий сафар — абадий маскангадир. Ва фақат шунга тайёрланганларгина ҳақиқий подшоҳлар бўладилар.

Дунё арқан кабидир ва охират эса арқаннинг орқаси. Инсон эса арқанингни тортади. Агар арқанингни узун қилиб, орзунга етказишни истасан, уни тақво ва солиҳ амаллар билан мустаҳкамла. Чунки дунё фақат ўтувчи соя ва учувчи шамолдир. Ана шу доноларнинг ҳикмати ва фаҳмидир. Кимнинг арқани фақат дунёга боғланса, унинг арқани узилади. Кимнинг арқани дунёда юрган ҳолда охиратга боғланса, унинг арқани мақсад ва манзилига, жойига етади ва у тинчлик ва хотиржамликда бўлади.

Агар инсон шаклларнинг қули бўлса, табиати унга ғолиб келади ва уни аралашиш парокандалик билан бошқаради. Аммо агар инсон маъноларнинг қули бўлса, қалби нурланади ва сирлари покланади.

Дунё ухлаш ва ғофиллик билан тўла, агар сен уни табиатида қолсанг, бунинг зарари сен учун каттароқ бўлади. “Молингни сарф этар экансан, уни сенга ва сенга боғлиқ одамларга фойда келтирадиган ишларга меъёр билан сарф эт. Билгинки, ортиқча сарф-харажат молингни ҳам, танангни ҳам барбод қилади. Чунки овқат, ичимлик, лаззатлар ва мол – буларнинг барчаси воситадир, уларнинг ўзи амал ёки мақсад эмас. Ҳар бир восита ҳаётдаги мақсадни амалга ошириш учун ишлатилади. Агар бу меъёрдан ошиб кетса, у ҳаёт учун юк ва зарарга айланади. Агар сен овқат ва ичимликни меъёридан ортиқ истеъмол қилсанг, мақсадингдан ортиқ уй қурган одамга ўхшайсан – бу эса зиён ва оғирликдир. Шунда сен ушбу воситаларнинг хизматкорига айланасан, улар сенга хизмат қилмасдан Сен улар билан машғул бўлиб, уларни сақлаш ва эҳтиёжларини қондириш билан овора бўласан, натижада уларда бирор нарса камайса ёки йўқолса, изтиробга тушасан. Билгинки, бу ҳақорат ва хорликдир. Роббингга таваккул қил, агар қодир бўлсанг, қалбингни ушбу боғланишлардан ажрат. Зотан, У сенга – ҳаётинг, молинг ва эҳтиёжларинг учун кифоя қилади. Донолар эса ташқи кўринишларга эмас, маъноларга қарайдилар. Чунки ташқи кўринишлар ёлғон жило билан алдайди, маънолар эса юқори, улуғ ва мустаҳкам бўлиб қолади.

Юқорида рисолада келтирилган борлиққа оид ғоялардан маълум бўладики, Юсуф Ҳамадоний бутун борлиқни яхлит бир скруктура деб қараётган бўлсада уни бу дунё, яни мулк ва охиратдан таркиб топган дейди. Шунингдек борлиқни зоҳир, шакл ҳамда ботин мазмун-маънодан иборат деб қарайди. Инсон зоҳирпараст, шаклнинг қули бўлмасдан мазмун моҳиятни англаб борлиққа муносабатда бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Юсуф Ҳамадоний ўз асарида инсонни табиат борлиғи билан муносабатига махсус эътибор берган. Инсон ва борлиқнинг ўзаро алоқадорлик диалектикасининг 11 қирраси ёритилган бу рисоланинг биринчидан бешинчигача бўлган ғоялари инсоннинг табиат борлиғига бўлган муносабатларига бағишланган. У инсон билан коинотнинг бир – бирига

муҳтожлигини, лекин инсон ундан ўзининг эҳтиёжига нисбатан кўпроқ фойдаланса ўзини ҳам, коинотни ҳам, хатарга қолдиришини таъкидлаган,

Коинот, оддий қилиб айтганда, инсон ва уни ўраб турувчи табиат, олам ва ундаги мавжуд бўлган барча нарсалар, ҳодисалар, наботот ва ҳайвонот оламидир. Ундаги барча нарсалар бир – бири билан ҳамма вақт узвий равишда боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний инсон асосини тўрт унсурдан иборат эканлигини “Ҳаёт мезони” асарларида баён этган:

Юсуф Ҳамадоний инсон ҳаёти ва камолотини табиат борлиғи билан узвий боғлайди. Демак, инсон бутун коинот билан чамбарчас боғлангандир. Буни у қуйидаги асослар билан исбот этади:

1. “Коинот бир таомдир. Сен уни еб, ўзингда ҳазм қиласан. Коинот ичимликдир. Уни ичиб тугатасан. Коинот кийимдир. Сен уни кийиб эскиртирасан. Коинот маскан – уйдир. Сен унда яшайсан”[13,108]. Емоқ, ичмоқ, кийинмоқ, манзил-макон сифатида коинотдан фойдаланишда меъёрга эътибор бериш лозим.

2. “Коинот иссиқлик ва совуқликдир”[13,108]. Бундан ҳам ҳар бир инсон ўз эҳтиёжи ва мижозига кўра фойдаланиши лозим.

3. “Коинот нур ва оловдир”. [13,108] Табиатда инсон учун куёш нури каби фойдали, нефть, газ, кўмир каби энергия манбалари мавжуд. Инсоннинг бу манбалардан меъеридан ортиқ ўз манфатларини кўзлаб фойдаланиши натижасида турли хил экологик муаммолар вужудга келмоқда.

4. “Коинот сув ва тупроқдир”. [13,108] Инсон организми сув, тупроқ ва бошқа унсурлардан иборат, бунда ҳам ҳар бир инсон, хоҳ у олим бўлсин, хоҳ у бошқа касб соҳиби, сув ва тупроқдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланса, инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир.

5. “Коинот ҳаво ва шамолдир”. [13,108] Булардан инсон ҳожати доирасида ишлатса фойдалидир. Лекин ҳожатдан ортиб кетса, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади. Сен улардан тасарруфнинг доирасида фойдаланиб, яшашинг учун ишлат, ҳожатингдан ортиғини тарк этгин, дейди Юсуф Ҳамадоний.

Юсуф Ҳамадоний инсонни табиат борлиғига ўз эҳтиёжи ва зарурати миқдорида муносабатда бўлишини ўғит бермоқда. Рисоланинг борлиққа бўлган инсон муносабатини ёритувчи олти ва еттинчи қирраси ижтимоий муносабатларга тааллуқлидир. Инсоннинг ижтимоий борлиққа муносабати ҳам эҳтиёжи миқдорида бўлганида фойдали ва манфаатли эканлиги ва аксинча меъёрдан ошса зарарли бўлиши таъкидланган.

6. “Борлиқ (ижтимоий) оила қуриш ва никоҳланишдир”[13,109]. Агар ҳар бир инсон буни тўғри тушуниб оиласига соғлом фикр билан қараса у инсон учун манфаатли, завқли ва лаззатли бўлади. Бироқ оиласига нисбатан носоғлом фикрларга ва номақбул ишларга ҳаддан ошса, аллома фикрича, ундай инсоннинг қалбига, баданига ва ақлига зиён этади. Инсон ўзига берилган бу имкониятдан наслини давом эттириш, фарзанд кўриш каби эзгулик учун фойдаланиши лозим.

7. “Борлиқ (ижтимоий) инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралаштириш”. [13,109] Бунда ҳам ҳар бир инсон гапириши, юриш-туриши ва ҳар бир қилаётган ишининг меъерини билиши лозим. Агар бу ишлар меъеридан ошса у баданни эритиб, қалбни қуйдиради.

Юсуф Ҳамадоний инсон борлиғига махсус эътибор қаратади. Инсоннинг тана, рух, қалб, нафс ва ақдан таркиб топганлигини ҳисобга олиб қуйидаги тавсияларни беради:

8. “Борлиқ уйқу ва уйғоқликдир”[13,109]. Инсон борлиғи-бадан ва рух камолоти учун уйқу ва уйғоқлик жуда фойдалидир. Агар биз улардан эҳтиёжимиздан ортиқ фойдалансак баданимиз ва табиатимизга зарар этади. Уйқудан кам фойдаланиш эса киши жисмини хароб этади ва кундан кунга заифлаштиради.

9. “Борлиқ (инсон) ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир”. [13,109] Агар ҳар бир инсон шулардан ҳам табиати кўтарадиган даражада фойдаланса у инсон учун фойдали ва лаззатлидир. Ҳар бир инсон шуларга эътиборли бўлса ҳаёти фаровон, сокин ва кераксиз ташвишлардан холи бўлади. Ҳар бир инсон ўз ҳолига ўзи

шафқат қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз борлигидаги нафси, бадани, табиатини ортиқча нарсалардан йироқ тутмоғи лозим бўлади. Бу эса натижада вужудининг бардавомлигини таъминлаган бўлади.

Юсуф Ҳамадоний руҳий ва маънавий борлиқ масалаларига ҳам эътибор қаратган. Инсоннинг ўз руҳий борлигини англаши ва унга меъёрдаги муносабати унинг камолотининг асосидир. Маънавий борлиққа уйғун муносабат инсонни маънан бой ва иродали бўлишига ёрдам беради. Юсуф Ҳамадонийнинг қуйидаги ғоялари инсоннинг руҳий ва маънавий борлигига муносабатини ёритади:

10. “Борлиқ (маънавий) тафаккур ва ботиний ишларда мушоҳада юритишдир”. [13,110] Инсонга бошқа мавжудотлардан фарқли ақл юритиш, тафаккур қилиш учун имкон берилган. Шунинг учун инсон ҳар бир қилаётган ишини тафаккур қилиши, яъни шу иш тўғрими ёки нотўғрилигини билиши, ҳар бир сўзини англаши, оқибати ижобий ёки салбий бўлишини фикрлаши лозим бўлади. Лекин бу теран тушунчалар инсон тузилишининг чегарасидан ошиб кетса у инсоннинг сезгирлигини, ҳушёрлигини маҳв этади ва натижада ақлу идрокини барбод этади.

11. “Борлиқ (руҳий) ирода ва истакдир” [13,110]. Инсон ўз хизматида бўлган борлиқдаги ҳар бир нарсага ҳукмрон. Инсон ўзига берилган ирода ва истакни эзгуликка ишлатса яшаши, борлиги ва барқарорлигини сақлайди. Аксинча, у ўзининг ирода ва истагини ёвузликка ишлатса, албатта ўзига ҳам, коинотга ҳам, атрофидагиларига ҳам, зиён келтиради. Ундай кишилар ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлолмайдилар. Бу ҳақда Юсуф Ҳамадоний шундай фикр беради: “Сенинг бу ҳолатда яшашинг, борлигингни давом эттиришинг ва барқарорлигингни сақлашинг, боқий ва давом этишинг учун фойдалисини олиб, зарарлисини тарк этсанг, натижада сен яшайсан. Шунда тассаруфинг остида бўлган нарсалар сендан ҳукмдор ва Парвардигорларига шикоят қилмайдилар” [13,111]

Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Юсуф Ҳамадонийнинг “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласида борлиқнинг ўзаро мустаҳкам боғланган ва алоқадорликда бўлган яхлит бир тизим эканлиги асосланган.

Инсон борлиқнинг марказида турадиган, борлиқнинг барча шакллари унга бўйсундирилган ва омонат топширилган муқаддас зотдир.

Инсонга бутун борлиқ омонат топширилган бўлиб, унга эҳтиёжи даражасида муносабатда бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Борлиқ яхлит тизим бўлиб, дунё ва охират, шакл, зоҳир ва мазмун-маъно, фоний ва боқий қисмлардан таркиб топган. Инсон буни англаб муносиб ва уйғун яшамоғи лозим.

Рисолада борлиқнинг табиат, ижтимоий, инсон, маънавий ва руҳий шаклларида инсоннинг муносабати тўғри таҳлил этган.

Инсоннинг борлиққа бўлган муносабатлари меъёрда, ҳақида, миқдори ва сифатига уйғун, эҳтиёжи даражасида бўлса бутун борлиқ ва инсон учун фойдали, манфаатли, завқли ва лаззатли бўлади.

Инсон ўзи учун яратилган борлиқ неъматларидан эҳтиёжидан ортиқ, миқдоридан ошиқ, меъёридан ўтиб, ҳаддини билмай фойдаланса борлиқнинг барча шаклларида зарар келтириш билан бирга ўзининг баданига, ақлига, фаҳмига, қалбига ҳам зиён етказади.

Инсон бутун борлиқ билан мувофиқ, мувозанатда яшаши учун унга нисбатан эҳтиёжи, ҳадди доирасида ҳаракат қилиши лозим.

Таҳририятдан: Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожини аллома Юсуф Ҳамадоний (1048-йил 17-июл, Бузанджирд қишлоғи, Ҳамадон – 1140-йил 13-сентябр, Бомиён) номи билан боғлиқ. Юсуф Ҳамадоний қадим Туркистон маънавиятида ўзига хос дунёқараш, тасаввуф тизимини барпо этган, ривожлантирган олим ва ориф бир зот эди. У киши нафақат хожাগон нақшбандия тариқатини бошловчи ва такомиллаштирувчи фаоллардан, балки моҳир адиб ҳамдир. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар унчалик кўп эмас. Абдуҳолиқ Г‘иждувоний, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида Юсуф Ҳамадоний ҳақида маълумотлар бор. Тўлиқ исми – Юсуф ибн Я‘қуб ибн Абдувоҳид ибн Абдубосит

ибн Замзам ибн Боқир ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Абу Ханифа Нўмон ибн Собит. Бағдодда Абу Исҳоқ Шерозийдан таҳсил олган. Кейинчалик Исфажон, Марв ва Самарқанд муҳаддисларидан илм олган. Тасаввуфни Абу Али Формадий ва Абдуллоҳ Жувайнийдан ўрганган. Замонасининг етук алломалари Абдулқодир Филоний, Ғаззолий, Ҳамидуддин Мултоний билан мулоқотда бўлган. 30 марта ҳаже зиёратига борган. Этикдўзлик касби билан машғул бўлган, деҳқончилик ҳам қилган¹ Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий тазкираларида кўп вақт Марвда яшагани ва у ердан Ҳиротга 2 марта келиб бир неча муддат тургани ҳақида ёзилган. У 1140-йили Ҳиротдан Марвга қайтиб кетаётган маҳали йўлда вафот этади. Манбаларда Бомиеън Юсуф Ҳамадоний вафот этган жой сифатида кўрсатилади. Орадан бир қанча вақт ўтиб, Юсуф Ҳамадонийнинг хоки ёки жасади Марвга келтирилиб дафн қилинади. Ўша пайтларда бу маскан эл орасида машхур бўлган. Юсуф Ҳамадонийнинг қабри сақланиб қолган. Марв ва Бухорода хонақо ва мадраса қурдириб, кўплаб туркигўй, форсигўй шогирдлар тайёрлаган. Аллома томонидан ишлаб чиқилган ва Хожажон-Нақибандия тариқатининг бош тамойилларига айланган: «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар апжуман» қудсий калималардан иборат.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев 2025 йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғриси”да фармони.
2. Вяткин В.Л. Шейх Абу Юсуф Ҳамадоний. -газ. “Туркестанские ведомости”, Ташкент:1899. №79.
3. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меъроси. Т.: “Фан”, 2021.244.
4. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия-хушёрлик йўли. Т.: “Фан”, 2024.184.
5. Наврўзова Г.Н. Нақшбанд рубойлари фалсафаси. Т.: “Фан”, 2025.184.
6. Наврўзова Г.Н., Зойиров Э. Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Тошкент.: “Фалсафа ва ҳуқук институти”, 2006. 133.
7. Наврўзова Г.Н., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний – Етти Пирнинг табаррук устози. Тошкент.: Машхур пресс, 2016. 148.
8. Сухарава О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары Москва: “Наука”, 1976. 365.
9. Тураев Б.О. Борлик (фалсафий таҳлил) // Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази, - Самарқанд-Тошкент: 2022.234.
10. Тўраев Б.О. Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 376.
11. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. //Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: Янги аср авлоди, 2003. 84-85.
12. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт). Т.: Янги аср авлоди. 2003. 32.
13. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Одоби тариқат. Борлиқнинг инсонга бўйсиндирилганлиги ҳақида. Рисолалар. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.-136.
14. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт). Одоби тариқат. Коинот ва инсон ҳақида. Т.: “Мовароуннахр”, 2018.224.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада Юсуф Ҳамадонийни “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласида баён этилган борлиққа оид қарашлари фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: борлик, инсон, табиат борлиғи, ижтимоий борлик, маънавий борлик, руҳий борлик.

РЕЗЮМЕ:

В статье философски анализируются взгляды Юсуфа Хамадани на бытие, изложенные в его трактате «О подчинении бытия человеку».

Ключевые слова: бытие, человек, природное бытие, социальное бытие, духовное бытие, духовное существование.

RESUME:

The article philosophically analyzes Yusuf Hamadani's views on existence, expressed in his treatise "On the Subordination of Being to a person".

Keywords: existence, human, natural existence, social existence, spiritual existence, spiritual existence.